

**«БУЗУҚ ТЕЛЕФОН» ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА
МАШҒУЛОТЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ**

Насиров Илхам Закирович

т.ф.н., доцент.

Сирожиддинова Ирода Махаммадовна

педагогика фанлари бўйича PhD, доцент.

Андижон машинасозлик институти

Аннотация. Мақолада замонавий педагогик технологиялардан бири- «Бузуқ телефон» усулида дарс ўтиш тартиби ёритилган. Унда бир заводдан вақтда ишлаб чиқарилган «Нексия-1» ва «ВАЗ- 2107» автомобилларининг асосий кўрсаткичлари солиштирилган. Ўқитувчи ва 3 та талабалар бу кўрсаткичларни қайта- қайта тушунтирганлари сабабли дарснинг ўзлаштирилиши 100 % га ва талабалар ичидан иқтидорли талабаларнинг чиқиши 40-50 % етказилган.

Калит сўзлар: Таълим, тарбия, иқтидорли талаба, профессор-ўқитувчи, педагогик технология, маърузачи, «Бузуқ телефон» усули, «Нексия-1» автомобили, «ВАЗ- 2107» автомобили, кўрсаткич, дарснинг ўзлаштирилиши.

**ПРОВЕДЕНИЕ ЗАНЯТИЙ НА ОСНОВЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ
«НЕИСПРАВНЫЙ ТЕЛЕФОН»**

Насиров Ильхам Закирович

кандидат технических наук, доцент.

Сирожиддинова Ирода Махаммадовна

кандидат педагогических наук, доцент.

Андижанский машиностроительный институт

Аннотация. В статье описывается одна из современных педагогических технологий- процедура обучения методом «Неисправный телефон». Сравниваются основные показатели автомобилей «Нексия-1» и «ВАЗ-2107», выпущенных из завода одновременно. Поскольку учитель и 3 ученика неоднократно объясняли эти показатели, усвоение урока составило 100%, а выход талантливых учеников – 40-50%.

Ключевые слова: Обучение, воспитание, одаренный студент, профессор-педагог, педагогическая технология, лектор, метод «Неисправный телефон», автомобиль «Нексия-1», автомобиль «ВАЗ-2107», показатель, усвоение урока.

**CONDUCTING LESSONS ON THE BASIS OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGY "FAULTY
PHONE"**

Nasirov Ilham Zakirovich

candidate of technical sciences, associate professor.

Sirojiddinova Iroda Mahammadovna

Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor.

Andijan Machine-Building Institute

Annotation. *The article describes one of the modern pedagogical technologies- the training procedure by the "Faulty Phone" method. The main indicators of the Nexia-1 and VAZ-2107 cars, released from the factory at the same time, are compared. Since the teacher and 3 students repeatedly explained these indicators, the lesson learning was 100%, and the output of talented students was 40-50%.*

Key words: *Education, upbringing, gifted student, professor-teacher, pedagogical technology, lecturer, "Faulty phone" method, "Nexia-1" car, "VAZ-2107" car, indicator, lesson learning.*

Республика иқтисодиётида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларнинг натижалари кўп жihatдан малакали мутахассис кадрларга, уларнинг илмий салоҳиятига ҳам боғлиқдир. Шу сабабли замон талабларига жавоб берадиган юкори малакали мутахасис кадрлар тайёрлаш шу куннинг долзарб масалаларидандир. Кафедра профессор-ўқитувчилари ва бутун жамоаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажара бориб, Ватанимизнинг социал-иқтисодий, илмий-техникавий ривожланишига иқтисодиётнинг турли тармоқларида самарали фаолият кўрсата оладиган олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш билан бевосита боғлиқ илмий изланишлар олиб бориш билан ўз хиссасини кўшмоқда [1,2].

Андижон машинасозлик институтининг “Транспорт логистикаси” кафедраси томонидан янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига қўллаш ва такомиллаштириш, ҳамда сифатини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан кафедранинг барча ходимлари ўз фаолиятларини ташкил қилиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги ихтиёридаги олий таълим муассалари кафедраларнинг илмий фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қарорларига асосланган ҳолда шунингдек, ректор ва институт Илмий кенгаши қабул қилган қарорларига биноан фаолият кўрсатди [3-5].

“Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури”да таълим- тарбияни тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаблари даражасига кўтариш, янгича фикрловчи ва тафаккур қилувчи баркамол авлодни тарбиялаш муҳим ўрин тутди. Айниқса, иқтидорли ва истеъдодли ёшлар билан ишлашни такомиллаштиришни тақозо қилади.

Бунинг учун биринчи галда иқтидорли талабалар билан ишловчи профессор-ўқитувчи замонавий, иқтисодий тафаккур эгаси бўлиши, бошқарув кўникмасига, ташкилотчилик ва тарбияловчи маҳоратига эга бўлмоғи даркор. Уни ташаббускорлик, талабчанлик, ҳамда ўз билимини доимий янгилаб туриш, ишчанлик ва маъсулиятни ўзига олиш, новаторлик қарорларни қабул қилиш каби фазилатлари ажратиб туриши керак [6,7].

Иқтидорли талабалар билан ишлашдан асосий мақсад- уларни бошқа талабаларга нисбатан маълум йўналишдаги қобилиятини рўёбга чиқариш ва уларни бўш вақтларини иқтисодий- илмий ишлар билан банд этишдан иборат. Ушбу мақсадга эришишда энг аввало талабалар ичидан иқтидорлиларини танлаб олиш энг муҳим вазифа ҳисобланади [8,9].

“Миллий дастур”да таълим-тарбияни тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаби даражасига кўтариш, янгича фикрловчи ва тафаккур қилувчи баркамол авлодни тарбиялаш муҳим ўрин тутди. Айниқса, иқтидорли ва истеъдодли ёшлар билан ишлашни такомиллаштиришни тақозо қилади [10-12].

Бунинг учун биринчи галда профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини, илмий-назарий малакасини ошириш, таълим-тарбия сифатини талаб даражасига кўтариш зарур. Бундан ташқари, олийгоҳларда ўқитиладиган фанларнинг ҳаммаси инсонпарварлаштирилиши, янгича фикр, мустақил тафаккур эгасини тарбиялаш лозим.

Мустақил Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган жаъмики мафкуравий, маънавий ва маърифий ишлар, таълим-тарбия тизими хур жамиятимизда мустақил фикрловчи, мустақил фикр эгаси бўлган шахснинг шаклланишига хизмат қилиши лозим, чунки одамлар онги ва тафаккурини ўзгартирмай туриб олий мақсад- озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. Бунда билим ва тафаккурнинг куч-қудрати муҳим омилдир.

Бугунги кунги профессор- ўқитувчи замонавий, иқтисодий тафаккур эгаси бўлиши, бошқарув кўникмасига, ташкилотчилик ва тарбияловчи маҳоратига эга бўлмоғи даркор. Уни ташаббускорлик, талабчанлик ҳамда ўз билимини доимий янгилаб туриш, ишчанлик ва маъсулиятни ўзига олиш, новаторлик қарорлар қабул қилиш каби фазилатлар ажратиб туриши керак.

Хозирги кунда бутун дунё мутахассислари анъанавий педагогикани танқид қилишда ҳамжихатдирлар. Замонавий ўқитишда хануз умумий тушунчалар, қоида ва қонуниятлар ўрганиладиган “билимий” ёндошув устивордир, талабаларнинг реал дунё объектлари билан ишлаши, ҳажми ва мазмуни жихатидан жуда кам. Етакчи таълим соҳаларини ўрганиш одатда ўқув маълумотларининг катта ҳажмини ўзлаштириш билан чекланади. Ўқув дастурлари, қўлланмалари, ундан ҳам кўпроқ бевосита ўқитиш амалиётида реал дунё тегишли тушунчаларни ўрганиш билан алмашинади. Ўқитишнинг бундай тизимини энг жиддий камчилиги- талабаларнинг машғулотлардаги пассивлиги ва бундан келиб чиқадиган унинг паст самараси. Айрим

талабаларнинг фаоллик даражаси жуда суст. Шу мақсадда замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига жалб этиш долзарб масаладир. Ўтказилган очик дарсларда янги педагогик технологиялар бўйича машғулотларни олиб олиб бориш талабалар ўртасида катта қизиқиш уйғотади [13,14].

Улардан «Бузуқ телефон» усулида дарс ўтиш тартиби қуйидагича бажарилади:

I. Маърузачи ҳамма билан саломлашгандан сўнг талабалар рўйхати ўқиб эшиттирилади.

Мавзу бўйича дарс оддатдагидек усулда олиб борилади. Маъруза ўқиб бўлингач, ўқитувчи талабалар сафидан 3 та талабани ихтиёрий равишда танлаб олади. Уларни хонадан ташқарига чиқариб юборади. Қолган талабаларга “Бузуқ телефон” усулида дарс ўтказиш тартибини тушунтиради: Бу усулда ҳозиргина дарсда ўтилган маърузадаги асосий кўрсаткичларни таққослаб кўриб олинган билимларни мустахкамлаш асосий мақсаддир. Усулнинг мақсади ва вазифалари тушунитирилгач, талабалардан бири чақирилади. Ушбу талабани ўқитувчи доска ёнига чақириб. Унга бирор бир кўрсаткичларни, масалан маърузада айтиб ўтилган “Нексия-1” автомобилнинг техник характеристикасини (1- жадв.) бошқа бир, масалан унинг билан заводдан бир пайтда, яъни 2007 йилда ишлаб чиқарилган ва техник кўрсаткичлари бўйича унга яқин бўлган “ВАЗ- 2107” автомобили [15] билан таққослайди.

“Нексия-1” ва “ВАЗ- 2107” автомобилларининг техник характеристикалари

1- жадв

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов лиги	“Нексия-1”	“ВАЗ- 2107”
1.	Кузов тури		Седан	
2.	Ўриндиқлар сони	та	5	
3.	Массаси	тонна	1	
4.	Двигателнинг қуввати	от кучи	75	
5.	Двигателнинг литражи	л	1,5	
6.	Ёнилғи сарфи	л/100 км	6,3	9,5
7.	Максимал тезлик	км/соат	170	135
8.	100 км соат тезликка ётидиган вақти	сек	10,5	19,30
9.	Таъмирлашгача босиб ётидиган йўл	минг км	500	120

Жадвалдан кўришиб турибдики, “Нексия-1” ва “ВАЗ- 2107” автомобилларининг техник характеристикаларига асосан уларнинг 5 та асосий кўрсаткичлари: автомобиллар кузовининг тури, ўриндиқлар сони, массаси, двигателнинг қуввати ва

двигателнинг литражи бир хил. Лекин яна 4 та кўрсаткичлар борки, улар ушбу автомобилларда бир- биридан тубдан фарқ қилади:

- “Нексия-1” автомобилидаги ёнилғи сарфи 6,3 л/100 км (90 км/ соат тезликда) бўлса, “ВАЗ- 2107” автомобилнинг ёнилғи сарфи 9,5 л/100 км ни ташкил қилади [16];

- “Нексия-1” автомобилнинг максимал тезлиги (тўғри узатмада) 170 км/соат бўлса, “ВАЗ- 2107” автомобилнинг максимал тезлиги 135 км/соат ни ташкил қилади [15];

- “Нексия-1” автомобилнинг 100 км соат тезликка эришадиган вақти 10,5 секундни ташкил қилса, “ВАЗ- 2107” автомобилнинг 100 км соат тезликка эришадиган вақти 18,3 секундни ташкил қилади;

- “Нексия-1” автомобилнинг 1- жорий таъмирлашгача босиб ўтадиган йўли 500 минг км ташкил қилса, “ВАЗ- 2107” автомобилники 120 минг км ни ташкил қилади;

Шу 4 та кўрсаткичлар “Нексия-1” автомобилнинг яхши томонларини, жумладан замонавийлигини белгилайди. Бунинг сабаблари қуйидагилар:

- Биринчидан, “Нексия-1” автомобилнинг кузови суйроқ, шунинг учун шамол қаршилиги камроқ бўлади, яни у қанча тез юрса шамол уни шунча пастга босиб, тез юришга ва ағдарилиб кетмасликка ёрдам беради. “ВАЗ- 2107” автомобилида эса аксинча- тез юрган сари автомобил кузови кўрилиб боради.

- Иккинчидан, “Нексия-1” автомобили двигатели тирсакли валининг айланишлар сони кўпроқ.

- Учинчидан, “Нексия-1” автомобилнинг олдинги ғилдираклари етакчи, двигатель автомобилнинг олд томонида кўндаланг жойлашган, бу двигателдан олинаётган буровчи моментни тўғридан тўғри етакчи кўрикка узатади- “ВАЗ- 2107” автомобилида эса бу ҳаракатни узоқда жойлашган орқа ғилдиракларга ва яна 90° га буриб узатади, Бунда албатта йўқотишлар кўпайиб кетади.

- Тўртинчидан, “Нексия-1” автомобилида электрон бошқарув блоки бўлиб, у ёнилғи сарфини оптималлаб цилиндрларга пуркаб беради, “ВАЗ- 2107” автомобилида эса бу вазифани ҳамон карбюратор бажаради [17-19].

Ўқитувчи шу асосий кўрсаткичларни 1- талабага ва барча қолган талабаларга тушунтиради. Шундан сўнг 2- талаба чақирилади. Энди 1- талаба 2- талабага ўқитувчи айтган асосий кўрсаткичларни тушунтиради. Лекин бунда талаба ўқитувчи айтган асосий кўрсаткичларни 90 % ни тушунтириб бера олади. Ўқитувчи талабалардан сўраб тушунтиришни яна 100 % га етказди. Шундан сўнг 3- талаба чақирилади.

Энди 2- талаба 3- талабага асосий кўрсаткичларни тушунтирди. Лекин бунда 3- талаба- 2- талаба ва ўқитувчи айтган асосий кўрсаткичларнинг атига 80 % ни тушунтириб бера олади. Ўқитувчи талабалардан сўраб тушунтиришни яна 100 % га етказди.

Шундан сўнг 3- талаба барча талабаларга асосий кўрсаткичларни тушунтиради. Лекин бунда ўқитувчи айтган асосий кўрсаткичларнинг 90 % ни тушунтириб бера олди. Ўқитувчи талабалардан сўраб тушунтиришни яна 100 % га етказди.

Ўқитувчи дарс якунида кейинги дарс учун топшириқ беради ва кейинги дарснинг бошида аввало бугун 3 та талабалар тушунтирган асосий кўрсаткичлар сўралишини таъкидлади. Дарсларни ушбу технология асосида олиб бориш талабаларнинг ичидан иқтидорли талабаларни 40-50 % га кўпайтиришга ёрдам берди [20,21].

АДАБИЁТЛАР:

1. Илхам Закирович. (2022). МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ. *Conference Zone*, 327–332. Retrieved from <http://www.conferencezone.org/index.php/cz/article/view/867>

2. Sirozhiddinova, I. (2019). RATIONAL METHODS OF AWAKENING AND STIMULATION PROFESSIONAL AND CREATIVE ABILITIES OF UNIVERSITY STUDENTS. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol, 7(7).

3. Iroda, M. (2019). Rational Methods Awakening and Stimulating University Students Professional and Creative Abilities. *Eastern European Scientific Journal*, (1).

4. Насиров, И. З., Косимов, И. С., & Каримов, А. А. (2017). Морфологик тахлил" методини кўллаб ўт олдириш свечасини такомиллаштириш. *Инновацион технологиялар*, 3, 27-74.

5. Zakirovich, N. I. (2022). Parallel educational and scientific works in higher educational institution. *MASHINASOZLIK ILMIY-TEXNIKA JURNALI*, 517-522.

6. Насиров, И. З., & Капский, Д. В. На одного ребенка семь махаллы-родители!.... *Материалы*, 691-694.

7. Насиров Илхам Закирович. *ИЖОДКОРЛИККА ЁРДАМ БЕРУВЧИ ВА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР // О‘ЗБЕКИСТОНДА FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, «BEST PUBLICATION» Ilm-ma’rifat markazi ©, 2022 14-SON, 605-611 б. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/2489>.

8. Iroda M. et al. Rational Methods Awakening and Stimulating University Students Professional and Creative Abilities // *Eastern European Scientific Journal*. – 2019. – №. 1.

9. Mahammadovna S. I. Needs and Factors for Developing Professional and Creative Abilities of Students of Higher Educational Institutions // *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*. – 2021. – Т. 25. – №. 6. – С. 2804-2810.

10. НАСИРОВ ИЛХАМ ЗАКИРОВИЧ. ПАРАЛЛЕЛЬНОЕ ВЕДЕНИЕ УЧЕБНОЙ И НАУЧНОЙ РАБОТ В ВУЗЕ// PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS: a collection scientific works of the International scientific conference (17 January, 2023) - Copenhagen:2023. Part 19- p. 175-177.

11. Насиров И.З., Зокиров И.И. Обучение детей творчеству в семье// Международный научно-образовательный электронный журнал «Образование и наука в XXI веке». Выпуск №14 (том 3) (май, 2021). Дата выхода в свет: 31.05.2021. М.: ООО «Моя профессиональная карьера». с. 69-74.

12. Насиров И.З. Компьютерлаштирилган ўқитиш технологиясидан фойдаланиш// Fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasida raqamli iqtisodiyot istiqbollari. Respublika miqyosidagi ilmiy-texnik anjuman materiallari to'plami- Jizzax: O'zMU JF, 5-6-may 2021-yil. 368-bet., 137-141 б.

13. Mahammadovna S. I. IMPROVING THE PROFESSIONAL TRAINING OF FUTURE ENGINEERS BASED ON THE CLUSTER APPROACH //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 3. – С. 45-47.

14. Sirojiddinova I. M. ENGINEERING STUDENTS HAVE SUCCEEDED IN CREATING A TECHNOLOGY CLUSTER //Pedagogy & Psychology. Theory and practice. – 2015. – С. 22.

15. LADA 2107 – лидер российского автомобильного парка. www.autostat.ru. Дата обращения: 20 августа 2018. Архивировано 20 августа 2018 года.

16. С.И. Магомедовна. Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development . IMPROVING THE PROFESSIONAL TRAINING OF FUTURE ENGINEERS BASED ON THE CLUSTER APPROACH Германия-Берлин. 2022/5/2- С.45-48

17. Iroda SIROJIDDINOVA Society and innovations Journal. Методика смешанной отборки при комплексном проектировании профессиональной подготовки будущих инженеров. <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/2209> Special Issue – 07 (2022) / ISSN 2181-1415. 87-92

18. Сирожиддинова Ирода Махаммадовна. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ МОНИТОРИНГ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УЧУН ТАШХИС МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ <https://academicsresearch.com/index.php/rnsr/article/view/711> <https://doi.org/10.5281/zenodo.7065184>

19. Насиров И.З. YANGI G'UYALARNI ISHLAB CHIQISH//JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS VOLUME– 18 | ISSUE- 5 DECEMBER– 2022- <http://www.newjournal.org/> 49-56 б.

20. Насиров Илхам Закирович, Тешабоев Улуғбек Мирзаахмадович. “ТУГАЛЛАНМАГАН ЖУМЛАЛАР” МЕТОДИНИ ҚЎЛЛАШ ЭВАЗИГА ЎТ ОЛДИРИШ СВЕЧАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ// O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, «BEST

PUBLICATION» Ilm-ma’rifat markazi ©, 2022 14-SON, 590-598 6.
<https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/2487>.

21. Sirozhiddinova I. Rational methods of awakening and stimulation professional and creative abilities of university students //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – T. 7. – №. 7.